

ШАРТНОМА № 1
Овқатланиш (Аутсорсинг) ни ташкил этиш бўйича
хизмат кўрсатиш тартиби учун

Самарқанд шаҳри

“20” май 2022 йил

Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази номидан Низом асосида фаолият юритувчи бош врач Махмонов Лутфулла Сайдуллаевич (кейинги ўринда Буюртмачи деб аталади) бир томандан ва GUBDIN SHAROFBEK SIFAT MCHJ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор Д.Хасанов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар.

I.Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачиниг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманг 1.2-бандида кўрсатиб ўтлган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб , у тугагунга кадар ҳар куни Буюртмачини уч маҳал иссиқ овқат ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий хужожатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя эган ҳолда , Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини , кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “20 ” майдан .

2022 йил “31” декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда Расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II.Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуийлаги хукукларга эга:

2.1.1 Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоатларнинг ички ва ташки қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларин амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун хужожатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.2. Аутсорсер қуидагиларга мажбур:

2.2.1 Ижарага олинган бино ва иншоатлар, жиҳозларидан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш, сақлаш, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника , ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиш;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачи уч кун олдин ёзма равища огоҳлантириш , ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таънилаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатида ва тулиқ ҳажимда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчилликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғирлаш;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги , хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга берилдаган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аникланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича конуний талабларни бажариш;

2.2.9.Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни)амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибида ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рұксат этиш;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб- аҳлоқ қоидаларига , шунингдек, ички тартибига риоя қилиш мажбуриятини юклаши ;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вактинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар , идишлар , асбоблар, мебиллар, инвентарлар, ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда саклаш, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаш захирадаги озик овкат маҳсулотларини топшириш ва кабул килиш далолатномаларига асосан узаро ҳисоб - китоб килиш;

2.2.13. Томилар имзолайдиган тегишли кабул қилиш топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни , жихозларни, асбоблани, мебелларни, инвентарлар ва бошка моддий воситаларни қабул килиб олиши;

2.2.14 . Мазкур шартнома бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунга қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатишини таъминлаши;

2.2.15.Мазкур шартнома асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишини (малакасини оширишни)амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16.Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3 Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиши;

2.3.2. Аутосорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиши;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равища огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибида тўлаш;

2.3.4. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.4.Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2.Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни(хоналарни), ускуналарни , жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошка

моддий воситаларни вактинча фойдаланишга бериши, шунингдек, камунал харажатларини коплаши;

2.4.3. Қонун ҳужоатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III.Хизматлар нархи ва ўзаро хисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **453 937 500** (Турт юз эллик уч миллион туккиз юз уттиз етти минг беш юз) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро хисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб –фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги киймати бўйича бир ойда бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда , тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган , Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб фактура олинган вактдан бошлаб , 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган сўммадан ортиқ бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган , шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташабbusи билан кайта кўриб чиқилади.

IV.Томонларнинг мажбуриятлари

4.1.Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вактида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.5 фоиз микдорида пения тўлайди, бунда пениянинг умумий сўммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2.Пения (жарима) тўлаш томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларни бажаришдан ёки бузишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3.Мазкур Шартнома шартларинг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқоролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4.Буюртмачига ҳар ойнинг охирида бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг холатини мониторинг ўтказишга (Аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5.Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фуқоролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

V.Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1.Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган холатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-тамоили амалга оширилганидан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI.Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки түлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгіб бўлмас куч, яъни таббий оғатлар, таббий ва техноген тусдаги фавқулоттда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати хисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади, Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутоносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномаг ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар факат улар ёзма шакилда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг Ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукук ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шакилдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридек кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII.Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва 31 декабр 2022 йилга кадар амал қиласди.

IX.Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Буюртмачи

Манзил: Самарканд ш. М.Улугбек кучаси 70
Тел./факс 210-00-81
ш/х* 100021860184017073101054001
бюджетдан маблағ олувчи
СТИРи: 201213701
ОКОНХ: 91511
Самарканд вилоят Фазначилик бошкармаси
Газна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш
ББХКМ
МФО 00014
газначилик бошкармаси СТИРи: 206919238

Рахбар: баш врач



Хукуқшунос Л.С.Махмонов
Лицензия (диплом) № берилган санаси:

20 « 05 2022 й

Хукуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

20 й

«Аутсорсер»

Манзил: Булунгур туман Фўбдин МФЙ
Тел./факс 90-224-46-74
ш/х* 20208000600595648001
СТИРи: 303840986
ОКОНХ:
Банкнинг номи АТБ Агробанк Булунгур
филиали
МФО 00290
Рахбар: Д.Холбоева.



(имзо)
М.Ў.

Б. Монатгулов
N 065050, 21.06.2002



Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни

кўрсатиш бўйича 2022 йил 20 майдаги

1 -сонли шартномага

1-Илова

Шартноманинг прогноз суммаси бюджет

T/p	Ойлик	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирликлари сони (нафар киши)	Жами сумма ККС сиз (сўм)	Жами сумма	Жами сумма ККС билан
1	Январ	31	нафар				0	
	20%						0	
		1					0	
2	Феврал	28	нафар				0	
	20%						0	
		1					0	
3	Март	31	нафар				0	
	20%						0	
		1					0	
4	Апрел	30	нафар	10500	191		60 165 000	
	19%			2000			11 460 000	
		1		12500	5730		71 625 000	
5	Май	31	нафар	10500	123		40 036 500	
	19%			2000			7 626 000	
		1		12500	3813		47 662 500	
6	Июн	30	нафар	10500	128		40 320 000	
	19%			2000			7 680 000	
		1		12500	3840		48 000 000	
7	Июл	31	нафар	10500	123		40 036 500	
	19%			2000			7 626 000	
		1		12500	3813		47 662 500	
8	Август	31	нафар	10500	123		40 036 500	
	19%			2000			7 626 000	
		1		12500	3813		47 662 500	
9	Сентябрь	30	нафар	10500	128		40 320 000	
	19%			2000			7 680 000	
		1		12500	3840		48 000 000	
10	Октябрь	31	нафар	10500	123		40 036 500	
	19%			2000			7 626 000	
		1		12500	3813		47 662 500	
11	Ноябрь	30	нафар	10500	128		40 320 000	
	19%			2000			7 680 000	
		1		12500	3840		48 000 000	
12	Декабрь	31	нафар	10500	123		40 036 500	
	19%			2000			7 626 000	
		1		12500	3813		47 662 500	
Бир нафар беморга 20 % билан 1,2,3 чорак				12500	36315		453 937 500	
Жами:				12500	36315		453 937 500	

"Ижрочи"

Губдин Шарофбек Сифат

Манзил: Булунгур туман Фўбдин МФЙ

Тел./факс 90-224-46-74

ш/x* 20208000600595648001

СТИРи: 303840986

ОКОНХ:

Банкнинг номи АТБ Агробанк Булунгур филиали

МФО 00290

Рахбар:  Д.Холбоева.



"Буюртмачи"

Вилоят куп тармоли тиббиёт маркази

Манзил: Самарканд ш. М.Улугбек кучаси 70
x/r 100021860184017073101054001

СТИР: 201213701

МФО 00014

Самарканд вилоят Газначилик бошкармаси
Фазна x/b: 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш ББХКМ
СТИРи: 206919238

Л.С Махмонов

Б.Н.Хайитбаев



“TASDIQLAYMAN”

“Samarqand viloyat ko’p tarmoqli
tibbiyat markazi bosh vrachining
davolash ishlari bo’yicha muovini,
komissiya raisi



T. N.Karimov

Samarqand viloyat ko’p tarmoqli tibbiyat markazida yotib davolanayotgan bemorlarni 4 mahal issiq oziq - ovqat bilan ta’minalashda sifatli xizmat ko’rsatish bo’yicha xizmat ko’rsatuvchi tashlikotlar o’tasida tanlov o’tkazish bo’yicha komissiya yig’ilishi

BAYONI

Samarqand shaxri

«20 » Mai 2022 y.

Raislik qiluvchi:	T.N.Karimov	komissiya raisi, bosh vrachning davolash ishlarini bo’yicha muovini. Bosh hisobchi.
Ishtirok etadiganlar:	B.N.Hayitbaev F.E.Gaffarov F.Z.Xamraev J.A.Yaxshiev T.Haydarov Q.M.Safaev Z.Pardaeva S.A.Tambriazova	Kasaba uyushmasi qo’mitasi raisi bosh vrachning iqtisodiy masalalar buyicha muovini. Moddiy qiymatliklar hisobchisi Dori darmon hisobchisi. Xo’jalik ishlar bo’yicha mudir. Pullik xizmat hisobchisi. Anesteziologiya va reanimatsiya bo’limi katta tibbiy xamshirasи.

KUN TARTIBI:

Samarqand viloyat ko’p tarmoqli tibbiyat markaziga yotib davolanayotgan bemorlarni 4 mahal issiq oziq - ovqat bilan ta’minalash maqsadida o’tkazilgan eng yaxshi taklifni tanlab olish bo’yicha.

(F.Z.Xamraev, F.E.Gaffarov, J.A.Yaxshiev, Z.Pardaeva, Q.M.Safaev,)

Komissiya tomonidan 2022 yil 5 Mayda O’zbekiston Respublikasi Tovar xom-ashyo birjasining elektron portaliga markazga yotgan bemorlarni 4 mahal issiq oziq - ovqat bilan ta’minalash maqsadida № 22110012082189 -lot raqami bilan e’lon joylashtirildi. Mazkur lot bo’yicha 2022 yil 18 maydagي eng yaxshi takliflarni tanlash savdosini o’tkazish bo’yicha davlat xaridlari komissiyasining elektron portalı orqali shakllangan markazga yotgan bemorlarni 4 mahal issiq oziq - ovqat bilan ta’minalash bo’yicha ” bayonnomasiga asosan e’lon yakuniga ko’ra Komissiya a’zolari tomonidan “GUBDIN SHAROFBEK SIFAT” MCHJ korxonasi g’olib deb topilganligini inobatga olib:

QAROR QILISHDI:


1. O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli Qonunning 62-moddasi 3-bandiga asosan komissiya bayonnomasi davlat xaridlari elektron tizimiga muhokama qilish uchun ikki ish kuniga joylashtirildi. Ikki ish kuni davomida davlat xaridlari elektron tizimga joylashtirilgan bayonnomma bo'yicha hech qanday etirozlar yoki qo'shimcha takliflar kelib tushmaganligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.
2. Bosh Hisobchi: B.N.Hayitbayevga
Yuqoridagilardan kelib chiqib hamda komissiya a'zolarining 2022 yil 18 maydagi elektron bayonnomasiga asosan g'olib "GUBDIN SHAROFBEK SIFAT" MCHJkorxonasi bilan qonunchilikda o'rnatilgan tartibda shartnoma tuzilsin.
3. Mazkur bayonnomma ijrosi nazorati komissiya raisi zimmasiga yuklatilsin.

Komissiya raisi, bosh vrachning davolash ishlarini bo'yicha muovini.




T.N.Karimov

Bosh hisobchi.




B.N.Hayitbaev

Kasaba uyushmasi qo'mitasi raisi




F.E.Gaffarov

Bosh vrachning iqtisodiy masalalar buyicha muovini.




F.Z.Xamraev

Moddiy qiymatliklar hisobchisi.



J.A.Yaxshiev

Dori darmon hisobchisi.



T.Haydarov

Xo'jalik ishlar bo'yicha mudir.



Q.M.Safaev

Pullik xizmat hisobchisi.



Z.Pardaeva

Anesteziologiya va reanimatsiya bo'limi katta tibbiy xamshirasi.



S.A.Tambriazova